

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 1-sentabr / № 30 (4689)

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ
МУСТАҲКАМ АСОСИДИРЎзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига
бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Аввало, мана шу муаззам "Янги Ўзбекистон"
боғида туриб, сиз, азизларни, бутун халқимизни
улуғ айём — Мустақиллик куни билан чин қалбим-
дан самимий табриклайман.

Барчангизга ўзининг юксак ҳурмат ва эhti-
ромини, энг зғгу ва олижаноб тилақларимни
изҳор этаман.

Ҳурматли дўстлар!
Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон хари-
тасида "Ўзбекистон Республикаси" деган янги,
мустақил давлат пайдо бўлди.

Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислоҳ
Абдуғаниевич Каримов бошчилигида мамлака-
тимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон
қилдик.

**Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин
миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва
инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб бер-
ган, барча ютуқ ва марраларимизнинг за-
мини бўлган Мустақиллик куни биз учун,
келгуси авлодларимиз учун доимо энг
улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади.**

Қадрли юртдошлар!
Охириги олти йил давомида биз Ватанимиз
тараққиётининг янги босқичида кенг қамровли
ислохотларимизни бошлаб, изчил давом эттир-
моқдамиз.

Ўтган даврда "Халқ давлат идораларига
эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қи-
лиши керак" деган тамойил фаолиятимиз дасту-
рига айланди.

Вазир ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар,
раҳбар ва мутасаддилар, умуман, барча-барча-
миз, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, халқ
ичига кириб, халқдан куч олиб, янги ёндашув
асосида халқимизга хизмат қилмоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ишонч билан айтишга барча
асосларимиз бор: **бугунги Ўзбекистон — бу
кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз
ҳам кечаги халқ эмас.**

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқироз-
нинг салбий таъсирларига қарамасдан, эркин,
обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға
бормоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун биз ин-
тилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи
Ренессанс пойдеворини яратиш осон эмас. Бун-
дай улуғ вазифанинг шарт ва мезонлари кўп.
Аммо энг муҳим ва ҳал қилувчи омил — бу демок-
ратик ислохотлар йўлидир.

Шу боис халқимиз манфаатига тўла жавоб
берадиган **бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайт-**

маймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат ол-
динга қараб борамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!
Биз учун инсон, унинг қадр-қиммати қанчалик
азиз бўлса, унинг хотираси ҳам шунчалик муқад-
дасдир.

Шу сабабли Ватан озодлиги йўлида қурбон
бўлган ота-боболаримизнинг номларини оқлаш,
уларнинг фаолияти, илмий ва ижодий меросини
ўрганиш, хотирасини эъзозлашга янада муҳим
аҳамият қаратмоқдамиз.

Миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин
тутадиган авлодлар ўртасидаги аънаналар да-
вомийлигини сақлаш, уруш ва меҳнат фахрийла-
рининг, муҳтарам отахон ва онахонларимизнинг
ҳаётини янада мазмунли қилиш нафақат вазифа-
миз, аввало, инсоний бурчимизга айланмоқда.

Шунингдек, биз Янги Ўзбекистонни барпо
этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимиз-
нинг чинакам таянчи ва суянчи, деб биламиз.

Фарзандларимиз нуфузли халқаро мусобақа
ва фестиваллар, фан олимпиадалари ва танлов-
ларда ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байрогини баланд
кўтариб келмоқдалар.

Яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон шах-
мат олимпиадасида терма жамоамиз тарихда
биринчи марта "Олимпиада чемпиони" деган юксак
шарафга сазовор бўлгани ҳаммамизга чексиз ғу-
рур бағишлайди.

Ушбу улуғ айёмда мана шундай ақлли, иро-
даси мустаҳкам, мард ва жасур ўғил-қизлари-
мизни, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббий-
ларини ўз номидан, халқимиз номидан яна
бир бор қутлаб, уларга янги зафар ва омадлар
тилайман.

Айни вақтда мамлакатимиз ёшлари Туркия-
да ўтказилган Ислоҳ бирдамлик уйинларида,
ҳарбий хизматчиларимиз эса, халқаро армия
мусобақаларида муносиб иштирок этиб, фахрли
ўринларни эгаллаганлари таҳсинга сазовордир.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ну-
фузи ва обрў-этибори тобора юксалмоқда. Биз
барча ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар
билан дўстона ва тенг ҳуқуқли ташқи сиёсат юри-
тишни давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали
маросимда иштирок этаётган чет давлатларнинг
муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар ва-
килларини самимий қўлайимиз.

Самарали ҳамкорлик алоқаларимизни ри-
вожлантиришга қўшаётган катта ҳиссалари учун
чин қалбдан ташаккур билдириб, уларнинг мам-
лакатлари ва халқларига тинчлик ва фаровонлик
тилайимиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт страте-
гиясини жадал амалга оширмоқдамиз.

Бизнинг мақсадимиз аниқ ва равшан.

Янги Ўзбекистон:

— ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхши-
лаш мақсадида давлат хизматларидан фойдала-
ниш учун кенг имкониятлар берадиган;

— одамлар ўз муаммолари ҳақида очиқ га-
пириши ва уларнинг ечими учун биргаликда
ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд
бўлган;

— ҳамма учун адолатни сўзсиз таъминлаш
имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари
ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида
тенг бўлган;

— тадбиркорликнинг ривожланиши учун зару-
р шароитлар яратилган давлатдир.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон де-
ганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қилади-
ган, очиқ ва адолатли жамият ҳам тушунади.

Ушбу юксак марраларга эришиш учун 2026
йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида ке-
йинги ишларимизни 5 та асосий вазифалар бў-
йича ташкил этамиз.

Биринчидан, таълим соҳасида фарзандла-
римиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта
эгаллашлари учун энг қўлай шароитлар яратиш-
ни изчил давом эттирамиз. Бунинг учун мактаб-
ларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарс-
ликлар мазмунини тубдан қайта қўриб чиқилади.

Ушбу тизим аввал илғор хорижий мутахас-
сислар томонидан экспертизадан ўтказилиб,
кейингина ҳаётга татбиқ этилади. Натижада Янги
Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кў-
никмаларни эгаллаган, ахборот технологияла-
рини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган,
мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқара-
ши кенг шахс бўлиб етишади. Бунинг учун бар-
ча ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда
мактаблар қуриш, уларни малакали педагог
кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳи-
да эътибор берамиз.

Устоз ва мураббийларнинг машаққатли
меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ишлари-
мизни янги босқичга кўтарамиз.

Имконияти чекланган болалар учун инклю-
зив таълимни ҳар томонлама ривожлантирамиз.

Иккинчидан, суд тизими мустақил бўлмас
экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайд.

Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс
ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига
ишонч ҳосил қилиши лозим.

▶ 2

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН ДОИМО
ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ БЎЛИБ ҚОЛАДИ“Янги Ўзбекистон” боғида давлатимиз мустақиллигининг
31 йиллигига бағишланган байрам шодиёнаси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизни бу
улуғ айём билан табриклади.

— Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон хари-
тасида "Ўзбекистон Республикаси" деган янги,
мустақил давлат пайдо бўлди. Биринчи Президен-
тимиз муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов бош-
чилигида мамлакатимизнинг миллий мустақилли-
гини дунёга эълон қилдик. Орадан йиллар, асрлар
ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлиги-
миз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган,
барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган
Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз
учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади,
— деди Шавкат Мирзиёев.

Иншооллох, шундай бўлғай. Чунки эрксевар
халқимиз учун бу байрам жуда қадрли. Мустақил-
ликка не-не жафолардан сўнг, сабр-матонат бил-
лан эришилди. Меҳнат, машаққатлар билан йил-
дан-йилга мустаҳкамланди. Бугун Ўзбекистонда
эл азиз, инсон азиз бўлди. "Халқ давлат идора-
ларига эмас, давлат идоралари халқимизга хиз-
мат қилиши керак" деган тамойил асосий талабга
айланди.

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқирознинг
салбий таъсирларига қарамасдан, эркин, обод ва
фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға бормоқда.
Саноат тармоқлари ва ҳудудлар ривож ижтимоий
масалаларни ҳал этиш имконини бермоқда.

Миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин тут-
диган авлодлар ўртасидаги аънаналар давомийли-
гини сақлаш, кексаларнинг ҳаётини янада мазмунли
қилиш эътиборда. Ёшлар ва хотин-қизларнинг ўқи-
ши, касб эгаллаши, қобилиятини юзага чиқариши
учун барча шароит яратилмоқда. Яқинда Ҳинди-
стонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида
терма жамоамиз тарихда биринчи марта Олимпия
чемпиони бўлгани бутун халқимизни қувонтирди.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ну-
фузи ҳам ошиб бормоқда. Хорижий давлатлар

ва ташкилотлар билан ҳамкорликда улкан иқти-
содий-ижтимоий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этил-
моқда.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросимда
иштирок этаётган чет давлатларнинг элчилари ва
халқаро ташкилотлар вакилларини ҳам қутлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз миллий тикланиш
давридан миллий юксалиш даврига ўтмоқда. 2026
йилгача бўлган Тараққиёт стратегияси амалга оши-
рилмоқда.

Президентимиз табрик сўзида давлатимизнинг
таъсирини бундай изоҳлади:

"Янги Ўзбекистон ҳар бир фуқаронинг ҳаётини
янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан
фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган,
одамлар ўз муаммолари ҳақида очиқ гапириши ва
уларнинг ечими учун биргаликда ҳаракат қилишла-
рига барча шароитлар мавжуд бўлган, ҳамма учун
адолатни сўзсиз таъминлаш имкониятини беради-
ган ҳамда фуқаролари ижтимоий мавқеидан қатъи
назар, қонун олдида тенг бўлган, тадбиркорликнинг
ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган дав-
латдир".

Юртимизда бўлаётган ишларга назар ташлан-
са, ҳақиқатда буларнинг ижобатини кўриш мумкин.
Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ўз нутқида
бундан кейинги бешта асосий йўналишни кўрсатиб
ўтди.

Биринчиси — таълим соҳасида энг қўлай ша-
роитлар яратиш. Бунинг учун мактабларнинг ўқув
дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмунини
тубдан қайта қўриб чиқилади, мактаблар қуриш,
устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини
рағбатлантириш давом эттирилади.

Иккинчиси — суд тизимининг мустақиллигини
мустаҳкамлаш. Судьялар ишига ҳар қандай ара-
лашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз
ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади.

▶ 2

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Янги замонларнинг шону шуҳрати,
Сўнамас бу миллатнинг шаъну шавкати,
Токи уч минг йиллик давлатим бордир,
Янги авлодларга даъватим бордир:
Шайх ул Кубролари номига таъзим,
Мангубердилари мангу Хоразм.

Элнинг ор-номусин бедор айлаган,
Ёғини жонидан безор айлаган.
Хокингдан бўстону чаман уйғонгай,
Ҳар томчи қонингдан Ватан уйғонгай.
Абадият сари айлаган азм,
Мангубердилари мангу Хоразм.

МАНГУБЕРДИЛАРИ МАНГУ ХОРАЗМ

Эй сен, "Авесто"ни яратган диёр,
Ғафлат дунёсига чанг солган илк бор.
Сен — олам кўргонин ёй деворисан,
Сен — қадим тамаддун пойдеворисан.
Форсийда айтсам гар: Ховари азим,
Мангубердилари мангу Хоразм.

Не деб сўйлар ҳамон Урганчу Гурганчу?
Ҳар зарра кумингдир нурганжу, дурганжу.
Эмасдир шунчаки ногаҳий бобо —
Огоҳ нигоҳингдир Огаҳий бобо.

Ярми олов, ярми кўзёш оразим,
Мангубердилари мангу Хоразм.

Мухаммад Раҳимхон, Исломуҳжалар,
Етти ёртлардан кутган муждалар,
Бир юз ўттиз йиллик армонларингдир,
"Сеғоҳ" дай нолау афгонларингдир.
Айтсам — овоз етмас, қуйласам — созим,
Мангубердилари мангу Хоразм.

Мен ушбу кунларни асрлар кутдим,
Неча авлод, неча насллар кутдим.

Ватанга бир жону бир тан тимсоли —
Султон Жалолиддин — Ватан тимсоли.
Келар авлодларга қарзим ҳам фарзим,
Мангубердилари мангу Хоразм.

Фахр этсам арзигай билло, бағоят,
Кутган карвонларинг келди ниҳоят.
Ичон қалъаларинг — Ишонч қалъаларинг бўлди,
Дишон қалъаларинг — Жаҳон қалъаларинг бўлди.
Амударёлари абадий азим,
Мангубердилари мангу Хоразм.



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири



БАТАН ДЕСАМ

Батан десам, кўнглимда
кўз очган булоқлар бор,
Батан десам, жонимда порлаган чироқлар бор,
Батанга садоқатда минг битта сўроқлар бор,
Шукрким, бошимизда мусаффо,
тиник осмон,
Жонажон Ўзбекистон,
омон бўл, мангу омон!

Дехонин тилагида бугдойи бошоқлаган,
Чупони қир султони, кўзиси қўшоқлаган.
Сочига рўмол сириб, эгатни тароқлаган —
Ўзинг онам, ягонам, меҳри дарё, меҳрибон,
Жонажон Ўзбекистон,
омон бўл, мангу омон!

Бахт тилаб, бахтиёрдир,
тилагидан нур топган,
Яхшилик қилиб, яйраб,
юрагидан қўр топган,
Худо берган сарбонин,
зўр танлаган, зўр топган,
Қардошга кучоқ очган,
ётга ҳам ширин забон,
Жонажон Ўзбекистон,
омон бўл, мангу омон!

Эзгу ният, эзгу иш, инсон қадри, ғояси,
Тинчлик, дўстлик тоғидир
байроқ тиккан қояси,
Бу элдан мангу йироқ, ёмонликнинг сояси,
Ҳам ҳавас, ҳам ҳайратда
боқмоқда бугун жаҳон,
Жонажон Ўзбекистон,
омон бўл, мангу омон!
Илму ҳикмат ушбу кун тоғдек таянчи эрур,
Ўзбек халқи юрт бузмас —
озод, обод юрт қурур,
Ҳар бир тилда шукрона,
ҳар бир дилда завқ, сурур,

БАТАН ГЎЗАЛЛИГИ — КЎЗИНИНГДАГИ НУР

Ёшларинг — ёнар чақмоқ,
шаъну қадрингга қалқон,
Жонажон Ўзбекистон,
омон бўл, мангу омон!

ЎЗБЕКИСТОН

Ватан — бу жонингга оққан чашмадир,
Шу боис Ватанга ҳар жон ташнадир.
Ватандан узоқда ҳар ким озурда,
Ватан — остонадан, дилдан бошланур.

Ҳаёт — бу имтиҳон аслида, бор гап,
Ундан хуш ўтмоқлик — энг буюк матлаб.
Ватан — имтиҳоннинг оппоқ қоғози,
Унга доғ тушмаса, яна бир шараф.

Ватан азаллиги — изингдаги нур,
Ватан гўзаллиги — кўзингдаги нур.
Ўзбекистон деса, офтоблангайсан,
Чунки Ўзбекистон — ўзингдаги нур.

Хурлик ҳавосидан бутун халқ хуррам,
Тинчликнинг навоси ҳар жонга малҳам.
Олам оразидан анлаганим шу —
Бизнинг Ўзбекистон — абадий кўркам.

ЗОМИН ТОҒ АРЧАЛАРИ

Йўл юрсанг, очилгайдир,
Еру кўк дарчалари.
Осмондан сочилгайдир,
Зомин тоғ арчалари.

Яратган инояти,
Шуқурнинг кифояти,
Ҳайратлидир ғояти
Зомин тоғ арчалари.

Булутдан бўса олар,
Қаҳрни тўса олар,
Кувончдек кўзда қолар,
Зомин тоғ арчалари.

Игнаси ифор сочар,
Димоғинг гулдек очар,
Жисмингдан дардинг қочар,
Зомин тоғ арчалари.

Кийик ўти, тоғ райхон
Зомин бағри тоғ райхон,
Ям-яшил Ўзбекистон
Зомин тоғ арчалари.

Бошида ярқироқ ой,
Пойида шарқироқ сой,
Етти оламга чирой
Зомин тоғ арчалари.

Зомин тоғ табияти,
Арча абадияти,
Муҳаббат тарбияти
Зомин тоғ арчалари.

Тўлиб айтдим, тўкилдим,
Пойингда тиз букилдим,
Чиройингга юкиндим,
Зомин тоғ арчалари.

СЎЗ

Ким кўнгил кўзиман кўрди дунёни,
Дилда рақам этди сўнмас зиёни.
Одам одамлиги ўзин илқиди,
Олам оламлиги мулки Худонинг.

Гар кўнглинг кўзида иймон нури бор,
Билгинки, дилингда жаҳон нури бор.
Ва лекин унутма, кимдан яралдинг,
Ҳақиқат кўзгуси Қуръон нури бор.

Одамзод — Нур билан Ақл меваси,
Хорунни хок қилган жаҳл кемаси.
Оқиллар кам сўзлаб, кўп тинглайдилар,
Сўздан ҳалок бўлур сўзнинг эгаси.

ОҲУЛАР — ТОҒ ҚИЗЛАРИ

Тоғлар тоши тош эмас,
Сойлари кўз ёш эмас.
Тоғда турмаган одам,
Тоғларга дилдош эмас.

Тошни тилган майсалар,
Шу тошларга файз солар.
Кўриб кўклаб кетгайсан,
Кўзингда мангу қолар.

Тоғларнинг ёзи бўлак,
Сойларин сози бўлак,
Пастлаб учган бургутнинг,
Гўзал парвози бўлак.

Оҳулар — тоғ қизлари,
Осмон эрур кўзлари.

Кулоғингни гуллатар
Булбулларнинг сўзлари.

Тоғларнинг таманноси —
Какликлар — тоғ хумоси.
Тоғда сени тарқ этмас
Муҳаббатнинг сафоси.

Гул Ватан, нурли Ватан,
Ям-яшил чинни чаман.
Дилингда юз очгайдир
Саодат солган суман.

ЭР-ЙИГИТНИНГ
ЭЛГА АЙТАРИ БЎЛСИН

Фафур Фулом айтган кўксин тўлдириб:
"Йигит омон бўлса, ҳавфу хатар йўқ" ...
Йигит йигитликни юрсин дўндириб,
Бундан ўзга унга асло зафар йўқ.
Дунё кезсин — юртга қайтари бўлсин,
Эр-йигитнинг элга айтари бўлсин.

Бу қалтис замонда тинчлик омонат,
Қалқон яралгайдир йигит оридан.
Ватани тинч бўлса, эли саломат,
Халқнинг ифтихори — асил мардидан,
Йигит сафга кирса, сарвари бўлсин,
Эр-йигитнинг элга айтари бўлсин.

Кеч очилган кўзнинг тумани куюқ,
Ўз уйинг, ўз боланг асрагин ўзинг.
Ахир ажодларинг буюқдан буюқ,
Елга соврилмасин тилдаги сўзинг,
Сўзинг ҳикматларнинг дилбари бўлсин,
Эр-йигитнинг элга айтари бўлсин.

Ватан — қалбимизда юз очган чирой,
Демишлар, чиройнинг чиммати бўлсин,
Тунни ёруғ қилган самоддаги ой,
Йигитнинг энг аввал ҳиммати бўлсин,
Ҳам яна бир пари пайкари бўлсин,
Эр-йигитнинг элга айтари бўлсин.

Биз тинчлик тилаймиз кўнча дунёга,
Шу осмон, шу замон фарзандларимиз,
Юз тутинг, омонлик тутган зиёга,
Бизким — Ўзбекистон дилбандларимиз!
Ҳар йигит ўз элин гавҳари бўлсин,
Эр-йигитнинг элга айтари бўлсин.

НАЖОТ
Муҳаббатинг мерос қолдир,
Боланг бахти болалағай.
Ҳақ деганда тилни толдир,
Умидларинг лолалағай.

Юкинганинг бир Ҳақ бўлса,
Осмон сенга яқин келгай.
Тазарруга дилинг тўлса,
Кўзларингга чақин келгай.

Гар пешонанг саждададир,
Ўзинг кўкда парвоздасан.
Онг офтоби расидадир,
Ич-ичингдан хуш создасан.

Ҳақнинг зикри — халқнинг зикри,
Қўлаганда қўшқанотсан.
Нурли бўлса агар фикринг,
Ўз-ўзинга сен нажотсан.

ДИЙДОР ТИЛАГИ

Шоирлик — бу сўздан изланган маъни,
Шоирлик — бу кўздан изланган маъни.
Ҳазрат Навоидан назмий нидо бу,
Аждоддан авлодга сўзланган маъни.

Ҳаёт ҳайратидан туғилади шеър,
Хаёл сийратидан туғилади шеър.
Маъни — муҳаббатнинг меваси эрур,
Ошиқ — зийнатидан туғилади шеър.

Ошиқлик Оллоҳни таниш, дегани,
Ўтинсиз оловда ёниш, дегани.
Маъни меҳробидан қиблага боқиб,
Дийдор тилагига қониш дегани.

ИККИ ТУЙҒУ

Ёшлик ёди билан юз йил яшасанг,
Кексалик сабрида таом ошасанг.

Ёшлиқда шиддатда — камол ичрасан.
Кексайсанг, минг хаёл — савол ичрасан.

Кексаман, дейсану кўнглинг қаримас,
Ва лекин жисмингдан дардинг аримас.

Кексалар орзуда ёшариш мумкин,
Кўтариб бўлмади лек ёшлик юкин.

Ёшлик сўниш билмас ёнган юракдир,
Кексага Ҳақ нури — иймон керакдир.

Кўлингга асо-ю дилда гул билан,
Икки ўт ичинда бир кўнгил билан,

Оламни яшнатар ёшлик қудрати,
Ҳар дилга кўзгудир кекса ибрати.

Кўлдан тушмаса ҳам неча тур дори,
Кексани тарқ этмас ёшлик хумори.

Қаён кетмоқдасан, эй далли шоир,
Ёшингга иқдор бўл! Ҳа, балли, шоир!

БУНДА КИЙИКЛАРНИНГ
КИБОРИ ЎЗГА

Кўксимни тўлдирди тоғлар ҳавоси,
Кўзимда ям-яшил чаман жилоси.
Ногаҳон жонимда жаранглаб кетди,
Сувлар сабосими, еллар навоси.

Бунда тошлар билан тиллашмоқ мумкин,
Бунда бургут билан сирлашмоқ мумкин.
Булбулдан ўтказиб куйласанг бўлар,
Кўзларга сигмаган тоғларнинг қўркин.

Кийик ўтларининг ифори ўзга,
Бунда кийикларнинг кибори ўзга.
Булоқлар бахт тилаб биқирлаб ётар,
Бир ичсанг, бир умр хумори ўзга.

Арчалар боғларга Аллоҳ эккан гул,
Асири эрурман, асири буткул.
Игна баргларига жон ипин ўтказ,
Оқибат либосин тикиб берар ул.

Сойларга қўшилиб дилинг шовуллар,
Кўёш қожил ёйса, кўзинг ловуллар.
Бунда булутлар ҳам бахтиёр жуда,
Ёзларни йиғлатар ногоҳ довуллар.

Аё дўст, тоғларда хурлик ҳавоси,
Майсалар шивири Ҳаққа санови.
Шалюла шаклига айланар кўнгил,
Ушбу шеър Маҳмуднинг шукрин садоси.

Икром НАРЗУЛЛО



ОНАЛАР САБОҒИ

Дунёга келтирар ҳар мурғак жонни,
Нозик елкасида тутиб жаҳонни,
Меҳри-ла суйдириб ота маконни,
Оналар танитгай она Ватанни.

Кўк рўмоли ватан байроғи мисол,
Ой юзи ватаннинг меҳрига тимсол,
Маҳзун алласига секин қулоқ сол,
Оналар танитгай она Ватанни.

Қадоқ қўлларида ватан изи бор,
Бағрида ўзини таниган илк бор,
Юрак юрагида "Ватан" сўзи бор,
Оналар танитгай она Ватанни.

Авалло, ўз уйи ошёнин севар,
Шу элда тотгани ош-нонин севар,
Ўзидан ҳам кўпроқ фарзандин севар,
Оналар танитгай она Ватанни.

Меҳру муҳаббатин миннат қилмайди,
Юртсиз қувончини қувонч билмайди,
Қанча ёниб айтма "Ватан" сўзини,
"Она ватаним" дек зўр ўқилмайди!
Оналар танитгай она Ватанни.

Тил билган—эл билар, бу мақол ростдир,
Тили юрагидир ҳар қандай элнинг.
Маъноси, оҳанги ўзига хосдир,
Тингласанг очгайдир тахтини дилиннг,
Ўзинг-ла ўзбекча сўзлашгин, болам.

Ҳар тонг ер юзига айтгил, ассалом,
Ҳар тонгни кутиб ол хуш одатинг-ла.
Майли, тил бойисин, ўзлашсин калом,
Сен яша ўз тилу саодатинг-ла.
Ўзинг-ла ўзбекча сўзлашгин, болам.

Ақли расо халқнинг тили ҳам зебо,
Ўрганмоққа ҳар ким боғлайди белин.
Ким ўз тилин билмас, қалбидир саҳро,
Ҳеч ким йўқотмасин ўз Она тилин.
Ўзинг-ла ўзбекча сўзлашгин, болам.

Чотқол тоғларида бир ҳолат кўрдим,
Оқ тулпор устида гул қомат кўрдим.
Тулпор гўзал эди, ёр ундан гўзал,
Менинг хаёлимда айланар ғазал.

Шамол ўйнар эди тулпор ёлини,
Дилдор сочларини силаган мисол.

От ёли ўйнарди ёрнинг хаёлин,
Кўркам ўтлоқларда этмоқ бўлиб лол.

Гўё шамол янглиғ учарди тулпор,
Еллар олар эди ёрдан бўсалар.
Ёрнинг қаро сочи товланиб борар,
Юксак кенгликларга қўнмаб кўз солар.

Бу шундай нозик ва ажиб бир ҳолат,
Тулпор гўзал эди, ёр ундан гўзал.
Чўққилар кўксига бўлмас жаҳолат,
Викор ва чирой бор тоғларда азал.

Самода ҳисларинг бўлгай ўзгача,
Ҳижронда кўзларинг кўргаёй ўзгача.
Силагинг келади ҳар бир майсани,
Қўлларинг етса гар шу тоб ергача.

Самода юрагинг ургаёй ўзгача,
Севгингни баралла айтгинг келади.

Борича бағрингга босиб дунёни,
Севгилинг ёнига қайтинг келади.

Бисотимда не бор, сўзми ё меҳр,
Гулим, тонгда сенга тортиқ этгани.
Юракда нақшинкор ғамлардан муҳр,
Сенсиз бахт тортинар келиб кетгани.

Ҳаётимда не бор, азобми, сурур,
Шом пайти юзлари қонлаш уфқ,
Гулим, қани сенда у гўзал ғурур?
Қани хислатларинг онамдек мушфиқ?

Кўнгил ичра не бор, севгими, ҳижрон,
Гулим, тонгда сенга тортиқ этгани.
Сенсиз сим-сим титраб қийналмоқда жон,
Ҳаловатим ўша сен-ла кетгани...

Тун соати чиққилар оғир,
Айниқса, ёлғизликда,

Нақд ярим тунда,
Тўхтаб қолгандай
Вақтнинг ўзи...
Бу ҳолни қузатар
Сокин тўлиб ой,
Юлдузлар йироқлар,
Милт-милт кўзёшдек...
Шу тоб коинотда
Вазминлик йўқдай,
Тонг чоғи мудраган,
Бир ёлғиз бошдек...

УМР ЙЎЛИ

Бу йўлдан ўтса гар шоҳ, йиғлар,
Ўтса дарвеш бағрини тиглар.
Изтиробли бу умр йўли,
Бундан ўтган қанча улуглар!

Ўтапмиз биз ҳам, дўстгинам,
Кўзда ёшу дилда дард билан...

Наргиза АСАДОВА



СУРХОНЛИКЛАР

Сап-сарик даштлар, кимсасиз, жизганак
йўллар, заминга кўрк ва виқор берган улкан
қирлар, Миср эҳромларидек тарам-тарам
адирлар ёз жазирасидек кўнглимга бир
тафт беради. Хайдовчи Исмоил бува олис
йўлнинг танобини тортиб, узоқ-яқин ўт-
мишдан ҳикоялар сўзлайди. Қарийб етмиш
тўртни қоралаган бобонинг ўзи ҳам сўзидек
тетик, воҳаликларга хос дўлвор ва уқтам.

— Бир куни одатдагидек пойтахтдан
Сурхонга йўл олдик, — дейди отахон. — Олд
ўриндиқда бир йигит, Россиядан Ватанга
қайтаётган экан. Уйини кўрмаганига йил
бўлган, кўзи оламга тўймай, аланглаб,
завқланиб бораёттир. Йўлда кетарканмиз,
машина йўлини бир ит кесиб ўтиб қолди
денг. "Ана бўри ўтди!", дедим йўловчилар-
римга эшиттулик қилиб. "Қани, қани?" дей-
ишди бари. "Ана, гирдоли орқасига ўтиб
кетди", дедим. Олдиндаги йигит: "Қанақа-
сига бўри бўлсин, ит-ку бу, бува", — деди.
"Йўқ, бўри", — дедим бамайилхотир. У эса
айтганидан қолмади. Орқада ўтирганлар
мени тушунди, чоғи, мийиғида қулиб кў-
йишди. Йигит тушмагур эса: "Ит эди, кўз-
дан қолибсиз, бува" дейишгача борди-да.
Аччиғим чиқиб, машинани бир чеккага тўх-
таддим. Йигитга қараб турдим-да: "Кўр сен
бўласан, ўз одатингни, элингни унутган",
дея қулоқ чаккасига туширдим. Йигит би-
роз каловланиб турди-да, сўн "Кечирасиз,
бува, ростдан унутибман", деди. Шўйтиб,

бизда йўлни кесиб ўтган жонзотни хайр-
ли билиб, иримига "бўри ўтди" дейишди.
Мусофирликдан келаётган жигитга шуни
эслатиб қўйдим-да.

«РАҲМАТ»СИЗ ЭЛ

Ҳар бир элнинг ўз удуми, тутган тутуми
бор. Бу одатлар, кишилардаги феъл-атвор
ўша ҳудуднинг табияти, шарт-шароити
билан ҳам боғлиқ. Масалан, табиятдаги
дағаллик, даштларидаги кенглик шу юрт
одамларининг сийратида уфуриб туради.
Неча йиллардан бери кузатаман: меҳнат-
каш, содда, ростгўй сурхонликларнинг ҳар
бир хизмати беминнат ва бетаъма.

Бир машина одам билан йўл четида
тўхтадик. Орқадаги аёл ҳайдовчига пул
узатди. Хайдовчи йигит йўлнинг нари-

ги тарафига серкатнов йўлни амаллаб
кесиб ўтди-да, тўртта тандир нон олди.
Қайтишда ҳам шу зайл базўр кўчадан ўт-
ди-да, нонларни бояғи аёлга узатди. Аёл

ДАШТУ ДАЛАЛАРДА

эса, жазирамада шунча йўлов-
чиларни куттирганига узр ҳам
айтмади, ҳайдовчига раҳмат
ҳам, демади. Одамларга разм
солдим: ҳеч кимда оғриниш сезмадим.
Бу майда юмуш — қилиниши шарт бўлган
яхшилиқ, қолганлар эса буни табиий қа-
бул қилиши шарт бўлган элдошлар эди,
назаримда. Ҳеч нарса бўлмагандек йўл-
да давом этарканмиз, ўйланиб қолдим:
ким билсин, бошқа жойда бўлсак, балки
аёл ўзи тушиб нон олар, қайта-қайта узр
сўрар, биз ҳамроҳлар эса манзилга кечи-
каётганимизни ошқора тўнғиллаб айтар-
мидик...

БАЙРАМСИЗ
ЙЎҚЛОВ

Офтоб тафти пасайиб, салқин ҳов-
лилардан одамлар чиқа бошлайди. Қўли
қадоқ, бошидан рўмоли тушмайдиган
қиз-жувонлар кўчаларга селоблаб сув
сепеди. Бу юртда оқиб ўта-
ётган сувга фақат тоза иди-
шлар ботирилади. Сувни
тоза сақлаш, уни исроф
қилмасликни етмиш ёшдагилар етти ёшда-
гиларнинг қулоғига қуяди.

Оқшом чоғи тупроқ иси уфурган
маҳаллалардан қўлида иккита қулча ёки
бир коса овқат кўтариб олган ўсмирлар
кўзга ташланади. Ҳамроҳимдан бунинг
сабабини бирон байрам арафасиданми,
дея сўрайман. У бўлса, хотиржам: "Агар
бу фақат арафаларда қилинса, бизда
доим байрам экан-да. Бизларда яхши
таом қилинса, ҳамсояларга, кекса бува

ва момоларга илинилади. Бу шунчаки
йўқлов", — дейди.

ТОҒ БАҒРИДАГИ
ШАҲАР

Сангардак. Бу ном кўпчиликка таниш.
Гўзал табияти, беқиёс шаршаралари,
этни жунжиқтирувчи сойлари, қовурма
гўштларини бошқа ерда учратиш қийин.
Айниқса, тоғ бағридан чиқиб, минг бит-
та нур заррачаларига бўлиниб, иссиқдан
қўнглино, кўзи қуйган одамларга ором бе-
радиган Сангардак шаршараси (эл тилида
Шарраи мазор) бу кентни тилларда дoston
қилган. Қишлоқни сайр этарканмиз, текис
йўллар, амфитеатр, тўйхона, маҳалла гуза-
ри, масжид, замонавий мактабларни кўриб,
ажиб шаҳарчага тушиб қолгандек бўлдим.
Зиёратгоҳларини авайлаб, умри тоза
ҳаво, ажиб турмуш таъшишлари билан ўта-
ётган қирмиз юзли тоғ одамларига негадир
ҳавас қилдим.

УСТОЗЛАР ЁДИ

Наشريётда ишлаб юрганимда яхши китобларни нашр этиш режасини тузаётиб, биринчи бўлиб хаёлимга Эркин Воҳидов келди. Эл ардоқлаган шоирнинг китобларини чиқаришни режалаштирдим. Унинг тўрт томлик китобларини тайёрлаб, чоп этиш юзасидан бош директор қабулига кирдим. Таклифим маъқуллангач, фикримни Эркин акага айтдим. Шунда у киши бундай деди: “Шоир халқининг кўзи деразада бўлади: қачон мени қайси ношир йўқлар экан деб...”.

«КЎРГАНДА ШОД, КЎРМАГАНДА СОФИНИБ...»

Бу лутфимди ё қандайдир ўқис ҳақиқатми-ди, билмадим-у лекин ҳануз қўлогимда турибди. Ўша пайтда Олий Мажлисда, кейин Сенатда ишлаган бўлса-да, бирибир ичлари тўла дард: китоблари чиқмаётган, матбуот эшиклари ёпилган... — Сизга жабр қилиб қўймайлик, тагин, — деганди ҳокисорлик билан.

— Сиз тўфайли келадиган жабр ҳам мукофот, — дедим мен ҳам ҳаяжонланиб. Шоир бироз жим қолди. Ҳар ҳолда, бу сукутни ризолик аломати, деб қабул қилдим.

Бирин-кетин уч том китоб кўркам, матбаачилик нуқтаи назаридан ҳам юқори даражада чоп этилди. Шеърлар, дostonлар, таржималар...

Қўлогим динг, қўзим телефонда. Ҳартугул, ортиқча гапларсиз, томликлар қўлма-қўл бўлиб тезда тугаб кетди. Қайта нашр ҳақида гап очсам “Ҳозир бироз кутайлик, ўқувчини зериктириб қўймайлик”, деди Эркин ака ўйчан. Ўқувчиларни ўйладими ёки “чўкувчи” ларнимди, билмадим.

Томликларнинг тўртинчи китоби мақолалар, публицистик чиқишлар эди. Уни ҳам кейинроққа қолдирди. “Кейинроқ” эса чўзилиб кетди. Унда-мунда тўй-ҳашамда кўришиб қолсак, фақат иккалаими тўшунадиган мазмунда: “Эркин ака, бу нима деган гап, босмаҳонада қороз кесиб қўйилган, “печать” қиладиган машиналар тайёр. Қўлэзма қани? Бизни ҳам тушунинг, бизда ҳам план деган нарсаси бор”, дердим қовоғимни солгандек бўлиб. Атрофдаги ижод аҳли, мухлислар ҳайрон. Шоир менинг ҳазилимни тўғри қабул қилиб, “Бўлди-бўлди, тезлатамиз”, дерди атай.

Айни пайтда ички тўйгу билан ҳис этардимки, бу йўсиндаги гапларим Эркин акага маъқул бўларди. Лекин қўлэзamani келтиришга шошилмасди. Қўл ўтмай яна бир тадбирда кўришиб қолдик. Бу сафар биринчи бўлиб ўзи гап бошлади: “Қўлэзма тайёр, эрта-индин ўзим ўтаман”. “Шундай қилинг, Эркин ака. Тасдиқланган режа бўйича китобингизни чоп этиш муддати ўтиб кетаяпти” дейман...

Бир кунги ўзлари телефон қилиб қолди. “Қа-булингизга навбатга ёзилмоқчи эдим...”. Хурсанд бўлганимдан: “Келаверинг, пастда ўзим кутиб оламан” дейман хурсанд бўлиб. Қўл ўтмай нашриётимиз бош тахририяти жойлашган 16 қаватли бинога етиб келди. Чиқиб кутиб олгач, лифта 4-қаватга кўтарилдик. Ҳол-аҳвол сўрашгач, дарров муддаога ўтдик: “Кейинги йилларда ёзилган шеърларни бир ихчам тўплам қилсак...”

Ҳар ҳолда янги шеърлар... “

Шу зайл ихчамгина, кўркамгина, қалин, чарм муқовали “Орзули дунё” кирилл ва латин имлосида китоб бўлиб чиқди. Тўплам “Ватандош, боғинга бир ниҳол қада, Бу ниҳол отини яхшилик ата...” деб бошланадиган, шунингдек, “Ўзини озод қуш каби кўрмоқ истайди кўнгил”, “Ватан, то танда бор жоним, сенингдурман, сенингдурман”, “Деманг шоир тиниб кетди, сиёсатга иниб кетди, Ва ё айтмангки, мўрт толдек шамолларда синиб кетди”, “Майли каму-кўсларинг бўлсин, Лек кўрганда шод, кўрмаганда соғингувчи дўстларинг бўлсин”, каби юракни ҳаққиртиргувчи шеърлардан иборат эди.

Нега япон ўз йил яшару Ўзбек бунча ёшга бормайди? Чунки япон ошак қоронғу Саҳар туриб ошга бормайди — каби сатрлари эса эрталаб ошга кетаётганда, айрим базмларда ҳам кўп бора ёддан айтадиган бўлди.

Анча йиллик ношир сифатида “Орзули дунё” китоби ўзимга ҳам ҳар жиҳатдан ёқди. Полиграфик ижроси бекаму кўст, энг муҳими, ундаги

шеърлар кўнгилни яйратди.

— Сигнал нусхасини қаерга етказай? — дедим кўнғироқ қилиб.

— Йўқ, йўқ. Китоб чиқаришининг олтин қойдаси бор, — деди Эркин ака. Унинг мамнунлиги овозидан сезилиб турарди. — Муаллиф, агар ўлмаган бўлса, унинг китобини эъзозлаб чиқарган нашриётга бориб, заҳмат чеккан биродарларига раҳматини айтиб, китобига дастхат ёзиб бериб келиши керак... Шу қойдага амал қилиш учун ҳозир ўзим бораман.

Тўғриси, сал ҳадигим бор эди. Том маънода халқнинг суюкли шоири, нозик таъб инсонга китобнинг матбаачилик жиҳатдан тайёрланиши ёқармикан, деган ўй йўқ эмасди. Йўқ, ёқди. Айтганларидек, китоб муҳарриридан тортиб, мусахҳиш қизлар, расому саҳифаловчигача биттадан китобга дастхат ёзиб берди. Тахририятда ростакамига байрам бўлиб кетди.

Бироқ муаллифга нисбатан муносабат тўлиқ ёришиб кетмаганди... Сўнг уч-тўрт кун ҳукумат телефонига тикилиб ўтирдим. Йўқ, ҳартугул тинч. Аммо кўп ўтмай барибир телефоним вазоҳат билан жиринглаб қолса бўладими! Хавотир билан гўшақни кўтардим. “Эркин Воҳидовнинг янги китобини чиқарибсизми?” дейиши билан юрагим “шув” этди. “Ҳа, бир кичкина тўплам...ча”, дедим аранг.

— Шу китобчадан бизга 3-4 донга топиб беролмайсизми? Хавотир олмагн, сотиб оламиз.

Бироз шошиб қолдим. Чунки бу китобнинг ҳали сотув нархи белгиланмаган, омонбрга ҳам тушмаган эди. Лекин илтимос жуда самимий, бегараз эканлигини билиниб турарди. Бир-икки кундан кейин илтимос бажарилди: Хуллас, китоб яхши баҳо олди. Энг муҳими, муаллиф бошй узра сузиб юрган булултар тарқаб кетди. Қанчалар хурсанд бўлдик.

Шу уринда бир нарсани таъкидламоқчиман. Қардаки ношир ва муаллиф муносабатлари самимий, ижодий, бегараз бўлса, иш яхши юради. Ҳамкорлик маҳсули — китоб тез, сифатли, кўркам, йўли ёруғ, ҳаридори кўп бўлади. Аксинча бўлса, иш ҳам тескари кетади.

Эркин аканинг нечта қўлэзмасини ўқиган бўлсам, на битта имло хато, на тиниш белгисига хато бўлмаган. Ўз ижодига бу қадар синчков ва эътиборли муаллифни топиш қийин. Қолаверса, бундай ёндошув муаллифнинг нашриётларга, тахририят ходимларига ҳам ҳурмат билан қараганини аңглатади.

Анча йиллар аввал ижодий ҳамкорлигимизнинг яна бир кўркам режасини туздик: шоирнинг “Тўла асарлар тўплами”ни режалаштира бошладик. Уч-рашиб маслаҳатлашдик. Мен ўн том мўлжаллаб хомаки вариантларини қилиб олгандим. У киши кўриб хурсанд бўлди. Кейин ўйлабди: “Мен бир кўриб чиқай, Мирзо Кенжабек билан шу хусусда ўйлаб юргандик. Тез кунда кўришамиз” деди.

Хуллас, 8 томликка тўхтадик. Унинг биринчиси “Баҳор таровати” 2015 йил беш минг нусхада чоп этилди. Кейингиларига эътибор беринг: “Ёз ҳарорати”, “Куз саховати”, “Киш ҳаловати”, “Қалб садоқати”, “Эрк саодати”, 7–8 томлар эса таржималардан иборат бўлди. Афсус, охириги китобларини кўриш у кишига насиб этмади. Ҳартугул китобни чоп этиб, хотиралари олдида юзимиз ёруғ бўлди...

Халқ шоирининг ўғли Хуршид Воҳидов тўй қилди. “Осиё” тўйхонаси фойесига одам гавжум. Меҳ-

монларни ўғли ва яқинлари, қариндош-уруғлар кутиб олишарди. Эркин акага эса кирди-чикдидан холироқ, сал юқорига кресло қўйиб беришибди. Атрофда дўстлар, қудалар, ижодкор биродарлар... Эркин ака беҳолроқ бўлиб ўтирганини кўриб, руҳим тушиб кетди. Яна денг, янги дўппи кийгазиб қўйишган экан. Одатда янги дўппи аввал тиззага жойланиб, тахи ёзилар, текисланиб кийиларди. Эркин аканинг бошидаги дўппининг тахи ёзилмай,



қийшайиб ўрнашган. Бир у кишига, бир дўппига қараб кўнглим ўқсиди. Ўша ерда ёзувчи, доимо шахматдаги рақиби Шодмон Отабекка юзландим.

— Ака, дўппини қаранг. Андижонликсиз-ку, анжанчасига яхшилаб таҳини очиб, қийдириб қўйинг-да, — дедим. Шодмонбек ака дўппининг қирраларини текислаб, тирсаклаб олгач, авайлаб меҳр билан кийдириб қўйди. Шундан сўнг, назаримда, тўйбоши ҳам қадди тиклангандек, жонлангандек бўлди. Кўнглим хотиржам бўлиб, Эркин акани бағримга босиб, ёнидагилар эшитсин деб атай баланд овозда дедим:

— Эркин ака, сизга уч кун муҳлат, тўйларни ўтказиб, “рабочий қоржона”ни кийиб ишхонага ўтинг. Китобингизнинг корректураси тайёр, “босишга рухсат”, деб ёзиб имзо чекиб беринг. Шунга қараб турибмиз. Ишчилар босмаҳона машинасини шайлаб, “қачон бошлаймиз” деб кутишяпти.

Ўша ерда турганлар гувоҳ: беҳол ўтирган халқ шоири бир кўзғалиб, ишчан аллозда менга юзланди:

— Э, шунақами, борамиз. Хўп бўлади, албатта, бораман, раҳмат, — деди кўнгли кўтарилиб.

Шунда атоқли ижодкор, беназир инсон Иброҳим Ғафуров билагимдан ушлаб:

— Ахроржон, дўстим, минг раҳмат сизга, кундан кунгил қилдингиз. Мана, қараб туринг, уч кундан кейин Эркин акангиз “Шарқ”қа бориб, корректурани ўқиб беради, — деди ҳаяжон билан кўзлари ёшлариб.

Ростдан, уч кун ўтиб, шу воқеа бўлди. Ишлар билан андармон бўлиб юривдим, муовиним, истеъдодли шоир Носиржон Жўраев ҳаяжон билан хонамга кириб келди.

— Ака, Эркин Воҳидов келибди, пастда экан...

Тўғриси, ўша кунги аҳволларини кўриб, кўнгли учун айтган бўлсам-да, келишига ишонмагандим. Шундай бўлса-да, сир бой бермай:

— Эркин ака келаман дедими, демек келади, деб айтдим-ку. Тез тушиб олиб чиқинг, — дедим ҳаяжон ва қувонч билан.

Ажаб, Эркин ака ўзи юриб, хастаҳол бўлса ҳам, самимий қулиб кириб келди. Жойлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, дарров корректурани олди-ларига қўйди. Ишонасизми, корректурани шу варақлаганича ўқиб, икки ярим соатча чалғимай ўтирди. Бу орада қўлэзмани нашрга тайёрлаган Мирзо Кенжабекни ҳам чақиритишимизни сўради. Орада бизга бир-иккита хато топиб кўрсатганда, шу ҳолида ҳам зукколигига таҳсин айтмасдан иложимиз қолмади. Шу тарзда муаллифнинг навбатдаги китоби корректураси босмаҳонага тушиб кетди. Афсуски, бу Эркин аканинг “Шарқ”қа, умуман, нашриёт идораларига охириги келиши бўлган экан...

Беназир инсон, улкан истеъдод соҳибининг асарлари мангуликка дахлдор, китобхоналаримиз қўлидан тушмагач. Ҳали қайта-қайта чоп этилиб, миллионлаб кўнгилларга туганмас завқ, сўнмас ёруғлик олиб келаверади. “Кўрмаганда соғингувчи дўстлар...” эса шу асарларни мутолаа қилиш орқали буюк шоир билан қайта дийдорлашаверадилар...

Ахрор АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР УМР

Ҳассос шоира ва публицист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Сайёра Тўйчиева қаламига мансуб “Шарофнома” асари атоқли давлат ва жамоат арбоби, ўзбек халқининг сеvimли фарзанди Шароф Рашидов ҳақида ёзилган навбатдаги самимий битиклардан саналади.

Ушбу китоб ўзининг ифода йўналиши, ёзилиш услуби, мавзуларнинг ранг-баранглиги билан мазкур йўналишда ёзилган асарлардан бирмунча фарқланади:

биринчидан, “Шарофнома” ўзида ҳам назмий, ҳам насрий қисмларни, аниқроғи дoston, хотира, эссе, манзума жанрларини жамлаган;

иккинчидан, мустақиллик йилларида Шароф Рашидов тўғрисида илк битилган дoston ушбу асардан ўрин олган;

учинчидан, муаллиф қаҳрамонимизнинг маънавий-маърифий портретини очиб беришда ўзи шахсан гувоҳи бўлган воқеаларни тилга олади ва уларни ишончли тарзда лўнда, содда ифодалайди; тўртинчидан, Шароф Рашидов билан ишлаган, ҳамнафас ва маслакдош бўлган катта ёшдаги хурматли юртдошларимизнинг кўпчилиги билан бево-сита мулоқотда бўлиб, тарихий далилларни тўплаб, уларни асарга киритади.

Қўлчилик катта ёшдаги инсонлар жуда яхши билишадик, собиқ иттифок даврида мамлакатни обод этиш, уни ҳар томонлама тараққий эттиришда Шароф Рашидовнинг алоҳида ўрни бор, юзлаб, минглаб бунёдкорлик ишлар унинг номи билан бево-сита боғлиқ. Уларнинг асосийлари асарда ёрқин сўзу аниқ далиллар орқали тилга олинади.


Дунёда ҳеч бир иш ўз-ўзидан амалга ошмайди. “Юз ишчиға — бир бошчи” деганларидек, башариёт тарихи ҳар-ҳар замонда ана шундай минглаб, миллионлаб кишиларни ўз ортидан эргаштира оладиган, уларни бирлаштира оладиган буюк шахсларни дунёга ҳада келтиради. Шубҳасиз, Шароф Рашидов ана шундай инсонлар сирасидан эди.

“Шарофнома”нинг “Ифтихор” деб номланган эсселар туркумининг биринчи қисми Шарқдан таралган маърифат зиёсига менгзалган ривоят билан бошланади. Муаллиф ўзбек халқининг узок ўтмиши, ҳаёт синовларини, турли адолатсизликларни қандай енгиб ўтгани, қанчадан-қанча биз ифтихор этсак арзийдиган саркардаю жаҳонгирларнинг хизмати баён этилган. Ана шундай улуг сиймолардан бири Шароф Рашидов эканига алоҳида урғу берилган.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 27 мартда имзоланган “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори моҳияти ҳам бу шахсга нисбатан адолатнинг тикланишига хизмат қилади.

Шароф Рашидовнинг номи, чин одамлилик ҳислатлари, қолаверса, унинг адаблик маҳорати ёдга олинган “Хотира дарси” деб аталган иккинчи қисм Озарбайжон халқ ёзувчиси Мирза Иброҳимовнинг “Ҳаётнинг улуг сабоқлари” номли аjoyиб ёдномаси билан бошланади. Академик Оқил Салимовнинг: “Шароф Рашидов том маънода зиёли инсон эди. Инсонда ҳамма нарсаси гўзал бўлиши керак, деган қойдага ўзи амал қилар, бошқалардан ҳам шуни талаб қилар эди. Ундаги бирсўзлилиқ, қатъият, матонат, ҳар қандай оғир муаммони оқилона ҳал қила олиш фазилатига кўп бор гувоҳ бўлганман. Яна бир фазилати — ҳаммиса далил ва исботлар билан қолдирмайдди.

“Сен билан бўлдим азиз...” деб номланган учинчи қисмда Шароф Рашидовнинг асарлари, унинг бадииятига доир материаллар келтирилган. Мазкур қисмда Шароф Рашидовдан бошланган адабиётпарвар сиёсат, хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бугун китобхонлик маданиятини юксалтириш, адабиёт, санъат аҳлини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ қўллаб-чиқарган умидбахш фармон қарорлари, жумладан “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Адиблар



хейбонии ташкил этиш тўғрисида”ги қарорининг тарихий аҳамияти ҳақида сўз боради.

“Ифтихор”нинг тўртинчи, яъни ҳазрати Алишер Навоийнинг машҳур “Эл нетиб топқай мени-ким...” шеърий сатри сарлавҳа сифатида олинган қисмида Шароф Рашидовнинг ўлкамиз қўлларини обод қилиш, ишлаб чиқариш салоҳиятини кўтариш сингари ҳақиқий бунёдкорлик ишлари асосли манбалар ва қизиқарли далиллар асосида очиб берилган.

Тасаввур қилинг, ҳатто битта миҳни ишлаб чиқаришга мўлжалланган мўъжазгина цех(шаҳоба)ни очиб собиқ иттифок марказқўми томонидан қаттиқ назорат қилинган мураккаб даврда Ўзбекистонда юзга яқин, балки ундан ҳам зиёд ишлаб чиқариш қувватлари, завод-фабрикаларнинг фаолият кўрсатишини? Бу — чинакам қаҳрамонлик! Бу — оқилона бошқарув ва юксак инсоний тафаккур натижаси! Ҳа, мамлакат халқ ҳўжалигини му-стаҳкамлаш, унинг бир томонлама ривожланган иқтисодиётини санoатлаштириш вазифаси ҳам айнан бу ҳазрати инсоннинг чекига тушган эди. Буни халқимиз, айниқса, ҳозирги ёш авлод билиши жудаям муҳимдир.

— Менинг Қорақалпоғистонда чорак асрдан зиёд шу аjoyиб инсон билан бирга ишлаганим уни бошқалардан кўра кўпроқ билишимга сабаб бўлди, — дейди Қорақалпоқ элининг суюкли оқсоқоли, давлат ва жамоат арбоби Қаллибек Қамоллов ўз хотираларида. — Рашидовдан илгри Ўзбекистон ви-лоятлари рўйхати ичида энг охири бўлиб ҚҚАССР ёзилар эди. У киши давлат раҳбари бўлгач, рўйхатнинг бошига Қорақалпоғистонни ёздирди. Бунинг маъноси жуда катта, уни биз чуқур аңглаймиз. Ўзбек ва қорақалпоқ бир илдиридан ўсиб чиққан иккита дарахтдир, аслида. Буни Шароф Рашидов ўз вақтида нозик сезги билан иллаган, чин юракдан теран ҳис этган эди.

“Шарофнома” дostonи, “Ифтихор” эсселар тўпламидан кейинги бўлимда муаллиф томонидан “Эҳтиром” (“Янги Ўзбекистон” боғидан ўттиз гулдаста) манзули маснади битилган бўлиб, у янги давримизнинг нури келажагига аталган. Ўттиз тўрт-ликдан иборат ушбу шеърий асар шундай хотима-ланади:

Ёмон кўз тегмасин, эй, Қодир Худо,
Азиз чаманимга, азиз тоғимга!
Мен эса шеъримни япроқдек тўқдим,
Янги Ўзбекистон деган боғимга!...

Инсон табияти шундай — яхши нарсаларга тез қўникади, худди шундай бўлиши керакдек туюлади унинг назарида. Бироқ бундай улкан ишлар замирида қанчадан-қанча тинимсиз ва машаққатли меҳнату заҳматлар, уйқусиз туңлар борлиги кўпинча эътиборга олинавермайди...

Шароф Рашидов ҳақидаги хотиралар ҳар бир ўзбек учун ўзлигига, тарихи ва бугунига назар ташлаш, ўз ҳаётини тадқиқ этишга имкон беради, деган умиддамиз. Мўҳими, бундай асарлар бугун эзгу ниятлар билан барпо этилаётган Янги Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, изчил ва адолатли ишлохотлар тараққий этишида барчамизнинг бир ёқадан бош чиқариб, мамлакат раҳбари атрофида мустаҳкам бирлашшимиз зарурлигини яна бир эслатади, шунга йўналтиради

Зотан, “Мозийга қараб иш тутмоқ хайрлидир”.

Обиддин МАҲМУДОВ

ТУЛПОРИДА УЛ МАРД КЕЛДИ...

Хоразмнинг асл фарзанди, буюк саркарда, ватанпарварлик ва мустақиллик тимсоли бўлган Жалопиддин Мангубердиннинг маҳобатли ҳайкали Янги Ўзбекистонда, нафақат эл азиз, инсон азиз, балки бу элнинг буюк аждодларининг хотираси ҳам азиз эканлигининг ёрқин намоишидир.

Жалопиддин Мангубердиннинг виқор ва салобат билан боқилишида бугун жаҳон майдонида ўз ўрнига эга, юксак марраларни эгаллаган давлатимизнинг куч-қудрати, шахду шиддати, шижоати мужассамдир. Мангубердиннинг ўткир нигоҳларида чуқур ҳикмат, юксак маъно-мазмун уққандайман. Унинг ўлмас жасорати, матонати, ор-номуси, она-юртга садоқати, Ватанга муҳаббати яна минг йилларки бизнинг авлодларимизга ҳам Ватанини севиш, унинг ҳар бир қарич ерини муқаддас билиш, мустақиллигимизни асраб-авайлаш илмидан сабоқ бергусидир. Бу эса

бугунги глобал дунёда инсон онги учун кечаётган аёвсий курашлар жараёнида янада муҳим аҳамият касб этади. Бу ерга келган ёшларимиз Мангубердиннинг ўтли ва ўткир нигоҳига боқиб, ватан ҳақидаги энг гўзал китобни ўқигандай бўлади. Бу майдон том маънода маърифат, ибрат, жасорат майдони бўлиб қолгусидир. Бу саодат маскани ҳаммамизга мубо-рак бўлсин!



Сайёра САМАНДАРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
“Шухрат” медали соҳибаси

ИФТИХОР

ҚЎШАЛОҚ ҚУВОНЧ

Жорий йилнинг август ойи менга умрим саҳифаларини безайдиган бебаҳо кунларни тўхфа этди. 29 август куни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг аъзолик гувоҳномасини топиришди. Бу менга давр юмодини бўлмиш журналистлик ваколатини бериши билан бирга, зиммамга улкан масъулият юклади. Зеро, бу масъулият мамлакатимизда амалга оширилаётган энг муҳим ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлар ҳақида ёзиш, давр юкини елкага олишдек салмоқли вазифадан иборатдир.

Адабиётнинг назм йўналишида қалам тебратиб, шоир сифатида танилган бўлсам-да, кейинги йилларда наср йўналишида ҳам ўзимни синаб кўрдим. 2018 йилда “Гулзор қишлоғининг гулдураклари” номли

қисса ва ҳикоялар тўпламим чоп этилди.

Нақл қилишларича, халқи ўз қадриятларини кўз қорачиғидек асраб келаётган мамлакатнинг элни ўз ортидан эргаштира оладиган атиги етти нафар донгдор шоир, бахшиси бўлса, бундай юртни енгиб бўлмас экан. Чинданам, етти нафар шоир элим, юртим, деб юраги ёниб майдонга чиқса, бутун халқ уларни олқишлаб ортидан юрса, Ватан, деб турса, бундай халқни қандай енгиб бўлади? Етти эмиш, эҳ-хе, бизда бундай бахши-шоирларнинг саноғи қанча?!

Ҳар йили Мустақиллик байрами муносабати билан мукофотланган юртдошларимиз ҳақидаги Фармонни қизиқиш билан кўрамиз. Бу ил кимлар мукофотга муносиб кўрилибди, деган ўйда Фармонни бошдан-оёқ ўқиб чиқардим. Бу йил эса, ўзим

ҳам камтарона меҳнатларим учун “Шухрат” медали билан тақдирландим. Қувончим қўшалок бўлди. Телефон кўнғироқлари, телеграм каналлари, ижтимоий тармоқлар... тинмайди.

Одатда, инсон меҳнати билан азиз. Инсон меҳнати қадр топса, хурсандчилиги бошқача бўларкан. Мен бугун шуни ҳис қилиб турибман. Ҳаммаси учун раҳмат, бошим кўкка етди.

Меҳрибон АБДУРАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Жиззах вилояти бўлими раҳбари,
“Шухрат” медали соҳибаси

Яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бетақроқ овоз соҳибаси Гулбаҳор Эрқулова ва Аҳмаджон Дадаев раҳбарлигидаги созандалар гуруҳи Америка Қўшма Штатларининг Бруклин ва Квинс музофотларида бўлиб, ўша ерда яшаётган ватандошларимиз учун миллий ашула ва мақомлардан иборат концерт дастурларини намойиш этишди. Шу муносабат билан Г.Эрқуловага бир неча савол билан мурожаат қилдик.

Ташрифнинг мақсади ҳақидаги дастлабки саволимизга хонанда шундай жавоб берди:

— Анчадан буён олис Америкада яшаётган юрдошларимиз, ҳамкасбларимиз, устозлар билан дийдорлашишни ният қилиб юрардим. Пандемия сабаб учрашув биров чўзилди. Ниҳоят, имкон пайдо бўлиши билан ниятни амалга оширишга киришдик. Гап шундаки, ўша ерда яшаб, фаолият юритаётган Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Гулшан Қурбонбоевнинг ташаббуси билан Америкада яшаётган ватандошларимиз ҳақида "Наҳотки..." деб номланган фильм суратга олинган. Фильмдаги бош ролларни Сиддиқ Санаев ва Гулшан Қурбонбоева ижро этишган. Ана шу фильм премьераси баҳонасида олис сафарга отландик. Мен билан бирга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев бошчилигидаги Абдулазиз Жўраев, Раҳматилла Шоабдурахмонов, Ориф Олимхўжаевдан иборат созандалар ансамбли боришди.

— Сизларни қандай қабул қилишди?

— Дастлаб Квинсда бўлдик. У ерда ўзбеклар ва Ўзбекистондан борган бошқа миллат вакиллари билан маҳаллаларда, хонадонларда бўлдик, кичик концертлар уюштирдик. Қайси хонадонда бўлмайлик, ўзбекча урф-одатларга амал қилинаётганини кўрдик, юртимиз ҳақида фақат яхши гаплар эшитдик. "Ўзбекистонимизга кўз тегмасин", "Юртимиз яна ҳам гуллаб-яшнасин", деган эзгу тилаклардан бошимиз осмонга етди. Биласизми, бугун Ўзбекистонда давом этаётган "Маданият қарвони" гуё Америкага ҳам кўчгандек туюлди. Ўзбек маҳаллаларида фақат концерт қўймадик, балки дийдорлашдик. Энг қувонарлиси, Mahalla US ташкилотининг раиси Абдулмалик Аҳмедов мақом санъатини ривожлантириш ва оммалаштиришга қўшган ҳиссам учун мени "Фахрий ёрлик" билан тақдирлади. Ўзга юрtdа санъатингни қа-

дрлаб берилган мукофот одамга бошқача ғурур бағишларкан.

Маҳаллаларда бўлганимизда у ерда яшаётганларнинг аҳиллигини кўриб қувондик. Ўзбекча урф-одатларни, меҳмонларни палов билан сийлашаётганини, ашулаларимизни меҳр билан тинглашаётганини кўриб тўлқинланиб кетдик.

— Бруклиндаги фильм тақдими ва концерт жараёнлари қандай кечди?

— Бруклинда 31 июлдан 6 августгача да-



вом этган тадбирлар нафақат бизда, балки бруклинликлариди ҳам жуда катта таассурот қолдирди, десам муболага бўлмайди. Фильм тақдими ҳақидаги кечди, кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Премьерадан сўнг йиғилганларга концерт дастуримизни тақдим этдик. Бизни хурсанд қилган нарсалар халқимизнинг сезимли санъаткори Мухаббат Шамоева бироз бетоботликка қарамай, деярли барча тадбирлар ва концертларда бирга бўлди. Улар билан бирга Роберт Мардухаев, Тамара Катаева, Изро Малаков, Наргиза Малаева, Рушел Рубинов, Раж Малаев, Очил Иброҳимов, Луизахоним Зокирова, Бухоро яҳудийлари, газетасининг бош муҳаррири Рафаэл Некталов каби таниқли санъаткорлар ҳамда жамоатчилик вакиллари ҳар бир чирчишимизни қўллаб-қувватлаб туришди. Ресторанда

уюштирилган санъат байрамида Мухаббат опа ва Изро акадан ташқари соҳир овозли ҳофиз Очил Иброҳимов ҳам иштирок этди, ҳаммамиз биргаликда ўзбек ашулаларини мароқ билан куйладик. Кеча жуда чиройли ўтди. Санъат — тинчлик элчиси, деб бежиз айтишмайди. Чунки даврадаги гўзал ижролар, ҳамнафас куйлаганларимиз бизларни ҳамиша бирлаштириб туришига шубҳа йўқ.

— Гулбаҳор, концертларда қандай қўшиқларни қайта-қайта сўрашди?

ака Бараевлар билан учрашишни ният қилгандим. Сўғдиёна Дилафрўз Жабборова ва мени уйига чақирди. У ерда маҳалла фаолларидан Феруза Эрматова билан ҳам учрашдик. Жуда гўзал давра бўлди.

Луиза Зокирова билан учрашувни эса Раж Малаев ташкил қилди. Аввал телефон орқали жуда самимий гаплашдик. Кўришим ниятим борлигини айтганимда, ўзи йиғинимизга келди. "Дийдор ширин" деганлари ҳақ экан. Хотиралар уйғонди,

римни тинглаб туришини айтди. Юртдан кетганига 45 йил бўлган экан, невра-эваралари бор. Ана шу аёл бизга "Ғафлатда ётган Машраб уйғонди, Ёрга етар кун борму ёронлар" ашуласини билаиди овозда куйлаб берганида жуда ҳайрон қолдик. Ана сизга Ватан дарди, Ватан соғинчи!

Биз билан суҳбатда бўлган яна бир ватандошимизнинг исми Жаҳонгир экан. Ўзи Англияда яшайдиган бу йигит оиласи билан Америкага дам олгани келган. Бизни тани-

МАҚОМ — ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҚАЛБИ

жуда кўп инсонлар эсланди. Худди шундай давра Матат Бараевнинг уйида ҳам бўлди. Матат ака, Мухаббат опа ва устознинг аёллари Ўғиллой опа билан гўзал даврада дийдорлашдик. Даврада Илс Маллаевнинг ўринлари билиниб турди. Охиратлари обод бўлсин. Шунини айтишим керакки, қайси давра бўлишдан қатъий назар, у ерда ўзбек ашулалари янгради, юртимиз эсланди, даврадагилар Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришларни кузатиб бораётганларини ва бундан мамнун эканликларини изҳор қилишди.

— Фақат санъаткорлар эмас, бошқа соҳа кишилари билан ҳам суҳбатлашдингларми? Бу суҳбатлар Сизга қандай таъсир қилди?

— Албатта, концерт жараёнларида, маҳаллаларда, кўчаларда бизни жуда кўп юрдошларимиз танишди, тўхтаб суҳбатлашдик. Менда катта таассурот қолдирган икки воқеани айтмасам бўлмас. Биринчиси бизга ўзбекча ашула айтиб берган Нина исмли аёл билан бўлган воқеа. Гўруҳимиз билан овқатланиб, орада қўшиқ жиргойилиб ўтирсак, ёнимизга бир аёл келиб ўзини таништирди ва менинг қўшиқла-

ган заҳоти олдимишга келиб, олдин бирга суратга тушди, кейин "Ассалом, ўзбегим" қўшиғини куйлаб беришимизни сўради, болалигидан шу қўшиқни яхши кўришини айтди. Албатта, бу илтимосни бажонидил қабул қилдик. Йигитнинг қўшиқни тинглаш жараёнидаги ҳолатини, юз ифодаларини кўриб, қалбимда Ватанимга соғинч ҳисси кучайди. Юртимизни соғиниб, эъзозлаб яшаётганлар кўпчилигидан ғурурландим.

Шунини айтишим керакки, режамизда ўтган санъаткорларнинг қабрларини зиёрат қилиш ҳам бор эди. Изро Малаков ва Очил Иброҳимов ҳамроҳлигида бетақроқ санъаткорлар Шойиста Муллажоновна, Исҳоқ Катаев, Илс Маллаев абадий уйқуга кетган қабристонга бордик. Америкада қабристон жуда бошқача жойлашган, керакли қабрни топиш мушкул. Лекин яҳудийларнинг бу борадаги урфлари бизга яқин бўлгани учун устозларнинг қабрини топиш қийин бўлмади. Қабристондаги саранжомлик, гаплати сукунат ҳар қандай инсоннинг кўзини ёшлатади. Илоҳим, барча ўтганларнинг охиратлари обод бўлсин.

Суҳбат сўнгиди юрдош санъаткорларимизнинг Америка диёридаги сафарлари давомиди ўтказган концертлари, учрашувлари ҳақида Бруклинда чиқадиган TheBukarin Times газетасида эълон қилинган, бош муҳаррир, мушқашунос Рафаэл Некталовнинг "Ўзбек мақомлари учун ташаккур, Гулбаҳор Эрқулова!" номли мақола эълон қилинган. Мақолада бизни қайдларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Ушбу эътирофларни ўқиб,

миллий санъатимизга, мақомларимизга ҳурматингиз янада ортади, деган умиддамиз.

Изро МАЛАКОВ: — Гулбаҳор ўзбек мақом мактабининг ҳақиқий устаси. Ҳозирги пайтда хонандалар кўпроқ эстрада мусиқаси йўналишида ўзларини кўрсатишни хоҳлайдилар. Чунки бу йўналиш кўп қийналишни, овоз имкониятларини, санъат усталари қўлида йиллаб шуғулланишни талаб қилмайди. Гулбаҳор Эрқулова эса аънанавий ўзбек халқ мусиқаси мақомга хизмат қилишдан воз кечмади. У ҳамиша мақом куйлайди, мақом санъатининг энг яхши намуналарини тарғиб қилишдан чарчамайди. Ҳозирги кунда у мақом билан яшаётган, ўзининг бетақроқ ижроси билан бизни хурсанд этаётган кам сонли ижрочиларидан биридир. Бундан ташқари, Г. Эрқулова ажойиб педагог эканини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мақом ижрочиларининг бир неча авлодини тарбиялашга ҳисса қўшган Г. Эрқулова бутун ҳам, Глиэр номидидаги мактабда ёш хонандалар ва созандаларни етиштиришда давом этмокда.

Рафаэл НЕКТАЛОВ: — Гулбаҳор нафақат вокал имкониятлари, балки қўллаб-қўллаб замонавий ўзбек хонандаларидан ғоят фарқ қилувчи услуби билан том маънодаги ўзбек қўшиқчиси. У фарғона мақомларининг оҳанг эриликларини, поэтикасини ниҳоятда аниқ етказиб бера олади. Хонанда кўп йиллардан буён Ўзбекистон ва ундан ташқарида ўтадиган фестивал ва концертларда қатнашиб келади. Ўзбек мумтоз мусиқасини севувчилар унинг саҳнага чиқишини орзиқиб кутади. Чунки у мақом ижрочилари учун талаб этиладиган энг юксак ўлчов ва талабларга жавоб беришчи хонандадир.

Равшан АЛИМОВ, Ўзбекистоннинг БМТдаги маслаҳатчи-элчиси: — Ерқин истеъдодли мақом хонандаси Гулбаҳор Эрқулованинг Нью-Йоркда бўлиши ва Бруклиндаги беқийс концерти Ўзбекистон ва Америка маданий алоқалари муваффақиятли ривожланиётганидан далolat беради. Мақомлар — ўзбек халқининг қалби. Ушбу санъатни Ватани ва ундан ташқарида оммалаштиришга ҳисса қўшаётган санъаткорларга шон-шарафлар бўлсин.

Гулчехра УМАРОВА
суҳбатлашди.

ИФТИХОР ТУЙҒУСИ



Ижодий фаолиятим давомида инсонларга озгина бўлса-да, маданий-маънавий озуқа бериш йўлида бор куч-ғайратим ва имкониятимни ишга солишга ҳаракат қилдим. Айни пайтда Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раҳбари сифатида юртимизда мусиқа соҳасида олиб

борилаётган ислохотлар самарасини халққа етказиш йўлида ҳамкасблар билан биргаликда жиддий изланишдамиз.

Бизнинг барча ишларимизда давлатимиз раҳбари томонидан миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган оламшумул ишлар дастуриламал бўлди. Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг очилиши, Ўзбекистон давлат консерваторияси қошида Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтининг ташкил этилиши, Нукусда консерватория филиалининг, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилиши, ёш опера хонандалари, виолончелларда мақом, рақс мактапларининг очилиши, миллий санъатимизнинг ёшлар орасида кенг тарғиб этилиши ёшларимизнинг келажақда ўз соҳасининг муҳир устаси бўлиб етишишларида катта омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртобшимиз ташаббуслари билан Халқаро мақом санъати, бахшичилик санъати фестивалларининг мунтазам ўтказилиши, "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалининг янги босқичга кўтарилиши миллий маданиятимизнинг жаҳонга кенг тараннум этилишида, халқимизнинг чет давлатлардаги санъаткорлар ижодлари билан яқиндан танишишларида алоҳида аҳамият касб этмокда. Миллий композиторлик мактабини дунёга танитишда юртимизда ўтказилаётган Халқаро симфоник мусиқа фестивалининг ўрни алоҳида.

Ўзбек миллий мақом санъати маркази, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ва уларнинг ҳудудий бўлимларига берилаётган кенг имкониятлар миллий ва умуминсоний кадрларни ўзида мужассам этган санъат соҳаларини кенг тарғиб этиш ҳамда ривожлантиришда, пойтахт ва вилоятларда фаолият олиб бораётган санъаткорлар ва ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмокда.

Ватан олдида қилган кичик хизматларим юксак мукофотга лойиқ топиладиган миннатдорман. Бундан буён ҳам ўзбек миллий мусиқа маданияти раванқи йўлида бор ижодий имкониятимни ишга солишга тайёрман.

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
"Меҳнат шухрати" ордени соҳиби

ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Сокин оқшом. Айни фараҳбахш онларда кўнглим ойнасида бетақроқ ва жаннатмақом Ватанинг фарзанди аржуманди эканлигимдан нури хислар жилваланади. Бу ифтихор ҳисси озод ва обод Ватан келажагига муносиб ҳисса қўшадиган кўзи ёниқ, шижоатли ёшларни тарбиялашдек улкан масъулиятни зиммамга юкляпти. Қалбим тошиб, шу юрtdа яшаётган ҳар инсонга фақат ва фақат эзгуликка тўйинган энг гўзал тилакларни йўллагим келяпти.

Бугун юртимизда яшаётган инсон борки, ҳаётдан рози бўлиб яшамоқда. Қайга борманг, ким билан суҳбатлашманг, кўзларда эртанги кунга бўлган ишонч ва умид нури яшнаб турганини кўрасиз. Минг шукрки, юрт узра эсётган истиқлол насимлари ҳар бир инсон қалбига ёруғ туйғуларни олиб кирган. Бугунги тинч ва осуда кўнларимиз учун миллатимизнинг не-не асл фарзандлари жон фидо қилмаган дейсиз. Мустақиллик боис, тарихий шахсларимиз номи тикланди, қадимий байрамларимиз, урф-одатларимиз қайтди. Шу юрtdа яшаётган инсон борки, ҳаётда неки ютуққа эришган бўлса, барчаси истиқлол берган кенг имконият туфайлидир. Осудалик, фаровонлик, хотиржамликнинг қадрига етмок ва асрамоқ барчамизнинг фарзандлик бурчимиз. Юртининг бир сиким тулғоғини қафтига олиб, тавоф қилсак, ҳар заррасини кўзга суртсак арзийди.

Бугун "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" бош ғояси тинч ҳаётимизнинг асосий шиориға айланган. Олиб борилаётган ислохотлар замирида ҳам инсон қадр, эрки масаласи бош омил саналади. Она юртимизнинг бетақроқ табияти, пурвиқор тоғлари, хушманзара жойлари доим мени ҳайратлантиради. Айниқса, Сўх ҳамда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар қадами теккан Шохимардонда бўлиб ўтган тарғибот тадбирларида ўзимни жуда бахтиёр ҳис қилдим. Икки ҳудудда ҳам халқимизнинг адабиётга, шеърятга бўлган меҳрини, самимиятини кўриб, кўнглим кўтарилди. Не-не улғу алоқалар, буюк сиймоларга бешиқ бўлган муқаддас замин юрагимни чарогон этди. Шу азиз гўшаларга мафтун бўлдим, уни ардоқламай, эъзозламай бўладими?! Бу гўшалар ҳақида сўз айтиш келганда қалбимда бахтиёрлик ҳисси жўш урди.

Мирзохид БОТИРОВ

Атоқли олим Ўқтам Умурзоқов Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори бўлиб ишлаган кезлар эди. Бир куни мени ҳўзурига чорлаб, шундай деб қолди: "Республикада ёши улғу танқили олимлар, санъаткорлар, турли соҳанинг йирик вакиллари бор. Турмуш доволаридан, қийинчиликлардан ақл-идрок билан ўтган бундай кишилар ўтмишни ҳам, бугунни ҳам яхши билади ва ҳаётнинг қадрига етади. Инсон камолоти, ҳаётда ўз ўрнини топиш борасида ҳам ҳеч ким улардан афзалроқ йўл-йўриқ кўрсатолмайди. Талабаларимиз шулардан сабоқ олишса, ўрганишса. Учрашувлар ташкил этиб, кекса авлод тажрибасини ёшлар онгига чуқур сингирдирсак, яхши бўларди".

Матбуот хизмати раҳбари сифатида таклифни бажонидил қалбул қилиб, эртасигаёқ "Истеъдодли, ижодкор, иқтидорли, ибратли инсонлар ирригация институтида" деб номланган туркум тадбирлар сценарийсини олиб кирдим. Сценарийга бирров назар ташлаб: "Ҳамма ёқ "И" бўлиб кетибди-ку", деди мийиғида қулиб. Сўнг: "Маъқул, тадбирни маданият саройида ўтказинг", деди.

Шу билан етти "И"дан иборат маърифий лойиҳа бошланди. Кейинчалик ўттизга яқин танқили олим ва сиёсатчилар, машҳур ёзувчи ва шоирлар, маҳоратли санъаткор ва актёрлар мазкур лойиҳанинг меҳмони бўлишди. Ўз соҳасининг йирик билимдонлари ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашар экан, умри мобайнида йўл қўйган хатоларини эришган муваффақиятларини таҳлил қилишарди. Учрашувлар шу даражада жонли кечардики, савол-жавобларнинг кети узилмасди.

Домла орқа уриндикда ўтириб тадбирларни зимдан кузатарди. Агар кўриниш берса, талабалар ийманиб, профессор ўқитувчилар истиҳола қилиб, ўзини эркин тўтолмаслиги ва бу ҳолат учаршувнинг мазмундорлигиға таъсир қилиши мумкин эди. Шу боис, устоз ҳеч кимнинг эътиборини тортмасди, тадбир сўнгиди эса, албатта, меҳмонга таълим муассасаси номидан миннатдорлик билдиришарди.

Ўқтам Умурзоқов мантиқий мушоҳадага мойил, ҳар нарсадан мантиқ ва фалсафий фикр излашни ҳўш кўрарди. Шу боис, танқили актёр Теша Мўминов, сиёсатшунос олимлар Нарзулла Жўраев ва Тўлқин Алимардонов

ҳамда шоир Азим Сўюн билан учрашув тафсилотларини узоқ вақт эслаб юрди. Айниқса, танқили актёрнинг: "Мен мустақилликдан олдин гадо эдим, мустақиллик мени шўх қилди", деган сўзлари қаттиқ таъсир қилганди. Теша Мўминов дастлаб "Қутлуг қон" романи асосида ишланган видеофильмда қашшўқ Йўлчи образини, мустақилликдан кейин соҳибқирон Амр Темур сиймосини саҳнада жонлантирганди-да.

Устознинг отаси Парда Умурзоқов бор-йўғи 48 йил умр кўрган бўлса-да, фидойи, жонқуяр раҳбар сифатида эл-юрт эътиборига тушганди. У киши Зомин туманида туғилган. Самарқанд вилоятининг уч туманида биринчи котиб бўлиб ишлаган. Ўша пайтлари газета бош муҳаррири бўлиб ишлаган Шароф Рашидовнинг касбий ка-

ИЛМ ВА ОЛИМ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

молга етишига катта ҳисса қўшган. Бир сўз билан айтганда, Парда отанинг табиятидаги бегаразлик, соҳаватпешалик, истеъдодларни қўллаб-қувватлаш фазилати фарзандига ҳам ўтганди.

Ўқтам Пардаевич бирон мажбурият туфайли тадбирда қатнашолмаса, учрашувнинг қандай ўтгани, камчиликка йўл қўйилганини-йўқми, албатта, сўраб-суриштирарди. Бундай учрашувлар бир жиҳатдан талабаларда унутилмас таассурот қолдирса, иккинчи томондан, ҳассос зиёлилар билан фикр алмашиб, завқ билан ижод қилишга ундарди. Шунинг учун ҳам у киши ҳар гал келгуси ҳафтада ким билан учрашув бўлишино, тайёргарлик қандай бораётганини сўраб, тадбирнинг юқори савияда ўтишини талаб қиларди.

"Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинганнинг 30 йиллиги олдидан танқили олим Омонулла Мадаев билан ташкил этилган учрашув талаба, магистрант ва профессор-ўқитувчиларнинг ёдида бир умрга муҳрланиб қолди. Олим "педагог", "олийгоҳ", "анжуман", "бежизга", "лутфан таклиф" эътиборини сингари талай сўз ва сўз бирикмаларининг ясалishi, этимологияси, сўз қурилишидаги мантиқий хусусиятлар ва уларнинг маъноси ҳақида барчамизга унутилмас сабоқ берганди.

— Кўрдигизми, Омонулла Мадаев катта билим захираси, маҳорати билан она тили, давлат

тили жонқуяри сифатида салкам минг кишилик маданият саройидаги қатнашчиларнинг эътиборини торта олди, — деди эртаси кўни Ўқтам Умурзоқов. — Домланган педагогик масъулият ва матонати ҳам, аслида, шунда. Шундай ўқитувчилар кўп бўлса, фан ва таълим соҳаси янада ривожланади. Нуқтимиздаги кўпгина сўзларнинг асл маъноларини билмас эканмиз, қаранг.

Омонулла Мадаев вафотидан сўнг олим хотирасига бағишланган "Инсонлик унвонига сadoқат" китобида Ўқтам Умурзоқов ҳамда еттига "И" ҳарфи билан бошланувчи туркум тадбирлар хусусида ҳам сўз юритилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отаҳон Баши Матекубовни гапдаги тадбирга таклиф қилганимизда устоз жуда хурсанд бўлганди. Ўттиздан зиёд достонларни ёд билган 90 ёшли бахши ўз шоғирдларини билан таълим муассасамизга келганида пешовз чикди. Бахши "Ошиқ Фариб ва Шохсанам" достонидан парчаларини шундай мароқ билан куйлардики, ижро маҳоратидан ҳўзурланган Ўқтам Пардаевич: "Бу худди "Бир актёр" театрининг ўзи-ку. Бир дамда гоҳ у, гоҳ бу образга киралётганига қаранг, бир пайтнинг ўзида ота-она, фарзанд, севиғлига айланиб қолишининг ўзи бўлмайди. Достон қаҳрамонларини худди оғир қарвони бошқараётган қарвонбошига ўхшаб бошқараёпти-я", деди таажжубланиб.

Устоз ташаббуси билан ташкил этилган маърифий лойиҳага нафақат магистр, талабалар, профессор ўқитувчиларнинг ҳам қизиқиши ортди. Зеро, бу ахборот соати ўрнида ҳам маънавий-маърифий озиқ эди. Ҳа, у киши бугун орамизда бўлмаса-да, ҳануз бизни кузатиб, хизматлари муносиб тақдирлангани кўриб-билиб турганга ўхшайди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги арафасида Президент фармониға асосан Ўқтам Пардаевич Умурзоқовнинг "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотлангандан бошимиз кўкка етди.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент

НИЗОМ АКАНИНГ КАФТИ

Низом Комиловни дастлаб Навоий кўчасида жойлашган Махмуд мўйловнинг машҳур лағмонхонасида кўрганман. Ношир дўстларимиздан бири менга Низом акани, “Нодар Думбадзени ўзбекча сайратган одам шу киши бўлади, зўр таржимон, аммо жуда инжиқ, гапидан қайтмайди”, деб таништирган.



Университетда устоз Файзулла Саломовнинг бадий таржимага доир сабоқларини тинлаганимда, бошқа бир тилда ёзилган асарни бошқа бир тилга ўгириш, муаллиф услубини сақлаш, бошқа ўқувчи учун тушунарли қилиб бериш нақадар мушкул иш эканлигини англаганман. Домла буни машҳур таржима асарлардан олинган мисоллар ёрдамида изоҳлаб берганлар. Шу сабабми, грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг “Абадият қонуни” асарини ўзбек тилига, танқидчиларнинг фикрича, қойиллатиб таржима қилган Низом акага қизиқиб қолдим. “Абадият қонуни”дан кейин Ирвин Шоунинг “Тунги дарбон” романини ҳам ўқиб чиқдим.

Баъзан шундай таржималарга дуч келамиз — сўзма-сўз олганда оригиналга худди нусха кўчирилгандай тўппа-тўғри, аммо, бир суҳбатда Низом аканинг ўзи айтганидай, тўғри таржима — бу ҳали яхши таржима эмас. Атоқли санъаткор Фахриддин Умаров: “Алишер Навоий ғазалларини қўйламоқчи бўлган ҳофиз улардаги қат-қат, уюм-уюм маъноларни, сўз ўйинлари-ю, нозик ишораларни билиши, дилдан ҳис этиши керак”, деган эди. Бадий таржимада ҳам шундай — таржимон муаллифнинг ифода услубини сақлаши, ўқувчига, жамиятга ва яна кимларгадир ўқ-дирмоқчи бўлган фикрини аниқ тасаввур қилиши, асарда ифодаланган воқеа-ҳодисаларни кўз олдида келтира олиши керак.

Бу осон эмас. Не бахтки, Ўзбекистонда ўз вақтида Абдулла Қаҳҳор, Кибриё Қаҳҳорова, Мирзакалон Исмоилий, Қодир Мирмуҳамедов, Эркин Миробидов ва яна қўллаб маҳоратли таржимонлар етишиб чиқди. Улар рус ва жаҳон адабиётининг энг сара асарларини ўзбек ўқувчисига ҳадя этдилар. Бу аънанани Нодар Думбадзе мисолида Низом Комилов давом эттирди.

Албатта, ҳар бир замоннинг ўз ўқувчиси бўлади ва улар бадий асарларни адабий-эстетик дид-даражаларидан келиб чиққан ҳолда ўқийдилар. Бугун хорижий тилларни пухта ўрганган истеъдодли ёшлар устозлар ўзбек тилига ўғирган асарларни аслият тилидан қайта ўзбекчалаштириш-

га ҳам ҳаракат қилмоқдалар. Бу табиий жараён аввалги таржималарга асло соя ташламайди, дунё адабиётида бир тилдан иккинчи тилга ўн-ўн беш марта таржима қилинган ва ҳаммаси ҳеч бир ажабланишсиз қабул қилинган асарлар бор. Бизда ҳам шундай бўлиши мумкин.

Низом Комилов маҳоратли таржимон бўлиш билан бирга, ўзига хос суҳбатдош, талабчан танқидчи, ижодкорликдаги ўринсиз кеккайишга, бўйидан баландга сакрамоқчи бўлганларга мутлақо мурасасиз эди. Одамгарчилик, тўғрилиқ, камтарлик ҳаққи, ҳеч кимни аяб ўтирмасди, фикрини ҳар қандай ҳолатда ҳам дангал айта оларди. Адабиётга маълум мақсадни кўзлаб кираётганларни, ижодкорликни алоҳида мавқе, мансаб деб тушунадиганларни ёқтирмасди. Бир ижодкорга: “Яшанг, ука, ўн та китобим чиқди, дейсизми, э, қойил, шунча китоб ёзибсиз-у, ўзингиз вообше ўзгармабсиз, ҳалиям ўша-ўшасиз-а”, деганини эшитганман. Бошқа бир гал нима иш бошласа, ўлда-жўлда ташлаб кетаверадиган, умрини беқорга ўтказётган олимнинг елкасига қоқиб, “ана исрофгарчилик”, деганди.

Низом ака танбёх беришни қойиллатадиган танбёхшунос эди.

Баъзи-баъзида адабиёт газетасига кўнғироқ қилиб, “Ўртоқ муҳаррир, кафтим қичиди, бир нима қорозга тушди”, дерди. Келинг, дердим. Келарди. Ихчамгина ҳажвия ёки бирор муаммога муносабат. Биргалашиб ўқиб, номерга тайёрлардик. Шундай ҳажвиялардан бирининг маъноси: “Бир одам бекатдаги ўтиргичда ҳаёл суриб ўтирган экан, олдидан алламбало бир машина ғизиллаб ўтибди. Яшил рангга бўялган, темир панжарали, оқиш парда тутилган чиройли деразаси бормиш. “Бу қандай машина экан, авваллари сира кўрмаган эдим”, деб ўйлабди қолибди ўша одам. Суриштириб билса, куча-қўйда ётиб қолганларни ташийдиган масттерар машина экан. “Эҳ, бизнинг пайтимизда кайфи тароқларга бундай ҳурмат кўрсатишмасди, энди бўлса...”, шу ҳам адолатданми”, деб жуда хафа бўлиб кетибди собиқ ичувчи”.

Бир кун Низом ака ҳеч кутилмагандан тахририятга келди, одатдагидай, кафти яна қичганини айтиб, стол устига бир варақ қорозга ёзилган ғазални куйди. “Ўртоқ муҳаррир, овоз чиқариб ўқинг”, деди. Ўқидим. Бошқа ходимлар ҳам ўқишди. Мана, ўша ғазал:

НАВБАҲОР

Муқимий ғазалига мухаммас

Қилса айғирлик даъвосин, во ажаб, тойчоғлар,
Лоф урар тиб илмидин соғдин кўра носоғлар,
Не илож, ой чехрасин ҳам маскан этмиш доғлар,
Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоғлар.

МУСТАҚИЛ ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Юртимизнинг санъат масканларида Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган кўргазмалар ташкил этилди. Бадий академиянинг кўргазмалар залида очилган “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деб номланган кўргазмадан икки юздан ортиқ ижод намуналари ўрин олган.

Улар орасида академик рассомлар Жавлон Умарбеков, Файзуллахон Аҳмадалиев, Сарсенбай Байбасинов, Владимир Бурмакин, Янис Салпинкиди, танқили мўйқалам усталари Муҳаммадиёр Тошмуродов, Валерий Енин, Виктория Трошина, Дилором Мамедова, Хўршид Зиёхонов, Татьяна Фадеева, Рустам Бозоров, Татьяна Гли, Сафи Мария, Юрий Гребенюк, Нозимхўжа Абдусаломхўжаев ва бошқа рассомлар, санъат усталарининг янги ижод намуналари намойиш этилмоқда. Асарларда мамлакатимиз ҳаётида юз берган ўзгаришлар, Ватанга муҳаббат ёрқин ва бетакрор бўёқлар орқали ифода этилган. Анвар Мамажанов, Аслиддин Капонов ва бошқаларнинг графика асарларида композиция пухта қурилган, оқ-қора ранглар мутаносиб ҳамда мавзу ўзига хос ечим топган.

Тошкент Фотосуратлар уйида очилган кўргазма экспозициясидан мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жабҳаларида қўлга киритилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг фаровон ҳаёти муҳрланган юзга яқин фотосуратлар ўрин олган. Тошкент ва Самарқанд, Мўйноқ шаҳарларининг турли кўринишлари ва янги-ланаётган Ўзбекистон, миллий ҳунармандлик намуналари, халқимизнинг фаровон турмуш

тарзи акс эттирилган фотосуратлар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Рустам Шарипов, Владимир Шлосберг, Акбар Ибрагимов, Борис Недосеков, Зилола Самандарова, Маргарита Константинова, Мария Фадеева, Носиржон Деҳқонов, Султонбой Деҳқонов, Владимир Жирнов сингари маҳоратли ва ҳаваскор фотографларнинг суратлари мухлислар эътирофига сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистон давлат табиат музейида Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом Чоршанби Шамсиевнинг “Инсон ва табиат” деб номланган кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадаги олтимишга яқин рангтаъсир ва графика асарлар рассомнинг кечинмалари, ҳис-туйғулари, дунёқараши мужассам. Рассом наздида бизни ўраб турган олам бир-бирига ўхшамас ранг ва шакллар мужассамидир.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида очилган “Фаровон ўлкам” деб номланган кўргазмада замонавий ўзбек рассомлари, амалий санъат усталари томонидан яратилган юздан ортиқ сара асарлар намойиш этилмоқда. Экспозиция услубий ва мавзули тамойиллар асосида ташкил топган. А.Мирзаев, Я.Салпинкиди, И.Шин, С.Рахметов, Ю.Чернишов ва бошқа рассомлар мўйқаламига мансуб авангард асарлар намойиш этилди. Кўргазмада, жумладан, У.Урақов, Э.Тожибоев, А.Ҳатамов, Д.Тожимуратов, Т.Эсонов, Т.Ёрқулов, А.Исоналиев ва Қ.Норхўрозовнинг ҳайкалтарошлик асарларини ҳам кўриш мумкин.

Сарвара ҚОСИМОВА

АДАБИЙ-БАДИЙ НАШРЛАР

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ”

журнали, 2022 йил июль сони

Аънавий “Навоний сабоқлари” рукинда улуг шоирнинг “Ваҳки, ҳижрон шарбатидан...” мисраси билан бошланган ғазалга навоийшунос Олим Давлатовнинг

шарҳи берилган, ғазалнинг умумий мазмун-маъноси талқин қилинган.

Лондонда чиқадиган “Сандэй Таймс” газетаси ҳиндистонлик файласуф Ошони “Йигирманчи асрнинг 1000 бунёдкори” қаторига қўшади. Деҳлидаги “Сандэй Мид-Дей” газетаси эса уни Будда, Ганди, Неру қаторида Ҳиндистон тақдирини ўзгартирган ўн инсондан бири, деб таъ-



рифлайди. Журналнинг ушбу сониди файласуфнинг “Сир. Суфийлик ҳақида суҳбатлар” асари билан танишасиз. Таржимон Олимжон Салимов.

Таниқли шоир Файрат Маҳиднинг “Ҳазрат Навоий зиёрати” деб номланган туркум шеърларида улуг аждодларга меҳр-муҳаббат туйғуларини ўзининг самимий ва таъсирчан ифодасини топган. Шунингдек, ушбу сонда қорақалпоқ адаби Умир-

фермерлар, деҳқонлар, чўпонлар; диний экстремизм, одам савдоси, миграция, гастербайтерлик; бугунги кун муаммолари ва ютуқлари, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар акс этган давримизнинг илғор аёллари ҳаёти акс этган, миллатлараро бағрикенглик, ватанпарварлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантириш, соғлом-турмуш тарзини тарғиб қилиш, она Ватани кенг ўрганишга ва сайёҳларни жалб қилишга йўналтирилган, инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассам этган, ёшларга ибрат бўладиган замонавий драматик, муסיқали драма ва кўғирчоқ театри учун пьесалари қабул қилинмоқда.

Асарлар Маданият вазирлигига ариза орқали тақдим этилади. Тақдим этиладиган асар ўзбек тилида, 2 нусхада (электрон вари-

анти билан) қабул қилинади. Барча асарлар нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилади. Танлов ғолиблари 3 та йўналиш (замонавий драматик, муסיқали драма ва кўғирчоқ театри пьесалари) бўйича пул мукофоти билан тақдирландилар.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами арафасида эълон қилинади. Асарларни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармасига юборишнинг мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй. Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси **тел:** 55 502-33-77 (ички рақам 123,124)

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 9-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги ва “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан эълон қилинган “Замонавий драматик, муסיқали драма ва кўғирчоқ пьесалари танлови” давом этмоқда.

Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ

1-ўрин:

1. Қутлибека Раҳимбоева — “Чақмоқлар фасли” китоби учун.

2-ўрин:

1. Бекназар Ерназаров — “Маълум сир” қиссаси ҳамда “Манас” эпосининг қорақалпоқ тилига таржимаси учун.
2. Барнобек Эшпўлатов — “Ҳайрат диёри” шеърий тўплами учун.

3-ўрин:

1. Зебо Мирзаева — миллий тафаккур ғоялари билан йўғрилган туркум шеърлари учун.
2. Дилшод Ражаб — “Қаҳрамон қасидаси” дostonи ҳамда матбуотда эълон қилинган болаларга бағишланган шеърий туркумлари учун.
3. Суҳроб Зиё — “Кўнгил елкани” шеърий китоби учун.

Рағбатлантирувчи мукофотлар:

1. Абдужаббор Обидов — “Буюк Шош ёхуд кўҳна Тошкент девори” тарихий романи учун.
2. Рауф Субҳон — “Оқибат” шеърлар тўплами учун.
3. Лариса Юсупова — болаларга бағишланган “Спасибо краю, где ты рос” (“Ўсган юртингга раҳмат”) шеърлар ва ҳикоялар тўплами учун.
4. Эрпўлат Бахт — “Ватансевар Нурбека” дostonи ҳамда матбуотда чоп қилинган туркум мақолалари учун.

5. Давронбек Тожилиев — “Китоб ҳақида китоб” тўплами учун.
6. Муҳиддин Абдусмад — “Учаётган киприклар” ва “Парвозга шай да-рахт” шеърий тўпламлари учун.

Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:



Бош
муҳаррир

Салим
АШУР

Тахририятга келган қўлёзмалар тахрир этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Хумоюн АҚБАРОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адаби - 924. Буюртма Г - 944.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Боснига топириш вақти - 21.00.
Боснига топирилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИКАДИ
Сотувади нарий эркин.

ISSN 2181-634X

9 772 181 634000